

Mirzaev A.

**ФЕРГАНА ӨРӨӨНҮНДӨГҮ ПАХТА ӨНДҮРҮҮ МАСЕЛЕЛЕРИНИН
АРХИВДИК ДОКУМЕНТТЕРДЕ КАМТЫЛЫШЫ**

Mirzaev A.

**СОДЕРЖАНИЕ В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ ВОПРОСОВ
ПРОИЗВОДСТВА ХЛОПКА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ**

Mirzaev A.

**ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИНИ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ**

A. Mirzaev

**THE CONTENT OF THE ISSUES OF COTTON PRODUCTION IN THE
FERGANA VALLEY IN ARCHIVAL DOCUMENTS**

УДК: 930.2

Макалада Фергана облусунун мисал катары алып, Түркстан аймағында пахтасылыктын тарыхы боюнча архивдик материалдар жана башка илимий эмгектер талданат. Макалада архивдик документтердин негизинде Фергана облусунда пахта өстүрүүчүлүктүн материалдык-техникалык базасынын калыптану тарыхы, ошондой эле эксперименталдык пахта талааларынын шимердүүлүгүнүн маселелери, Туркестандын көңири илимий-изилдөө иши жасатындағы айыл чарба жана анын ичинде пахтасылыкты өздөвшилтүрүү саясаты, пахта өндүрүү боюнча илимий изилдөөлөрдү жасашиштуу, пахтасын жаңы сортторун бир күйлө кыйла жогорку деңгээлде өнүктүрүү жаса бул бағытта илимий эмгектердин басылыши талдоого алынган. Ошондой эле ал Туркия Республикасынын Айыл чарба жана Мамлекеттік мүлк министрлигинин Айыл чарба департаменти жасана Фергана облусунун айыл чарба департаменти аркылу ишике ашырылган. Ошол эле учурда Россия империясынын Айыл чарба бағытындағы университеттеринин жаса окуу жайларынын студенттери практикадан оттүү үчүн жумушка кетип, жергилкүтүү калктын тилдеринде окуу кураалдары жаса плакаттары чыгарылгандыгын маалымдашкан

Негизги сөздөр: китепче, жер семирткіч, зыянкеч, энтомология, плантация, үрөн, климатташтыруу, мезгилдүү, эрте бышүү.

В статье на примере Ферганской области проанализированы архивные материалы и другие научные труды по истории хлопководства в Туркестанском крае. В статье на основе архивных документов анализируется история формирования материально-технической базы хлопководства в Ферганской области, а также вопросы деятельности опытных хлопковых полей и издание научных трудов в данной сфере. Была проанализирована политика Туркестана в области широкого научно-исследовательского сектора сельского хозяйства, включая освоение хлопководства, улучшение научных исследований по производству хлопка, развитие новых сортов хлопка на более высоком уровне и публикация научных работ в этом направлении. Это также было реализовано через департамент сельского хозяйства Министерства сельского хозяйства и государственных имуществ Турецкой республики и департамент сельского хозяйства и департамент Ферганской области. В то же время студенты сельскохозяйственных направлений университетов и учебных заведений Российской империи, направляясь

шиеся на работу для прохождения практики, сообщали, что издаются пособия и плакаты на языках местного населения.

Ключевые слова: брошюра, удобрение, вредитель, энтомология, плантация, семена, акклиматизация, периодическое издание, скороспелый.

The article analyzes archival materials and other scientific works on the history of cotton growing in the Turkestan region using the Fergana region as an example. On the basis of archival documents, the article analyzes the history of the formation of the material and technical base of cotton growing in the Fergana region, as well as the issues of the activities of experimental cotton fields and the publication of scientific papers in this area. The policy of Turkistan in the field of a wide research sector of agriculture was analyzed, including the development of cotton growing, improving scientific research on cotton production, the development of new varieties of cotton at a higher level and the publication of scientific papers in this direction. This was also implemented through the Department of Agriculture of the Ministry of Agriculture and State Property of the Republic of Turkey and the Department of Agriculture and the Department of the Fergana Region. At the same time, students of agricultural areas of universities and educational institutions of the Russian Empire, who were going to work for an internship, reported that manuals and posters were being published in the languages of the local population.

Key words: brochure, fertilizer, pest, entomology, plantation, seeds, acclimatization, periodical, early maturing.

Фарғона водийсида пахтасыликнинг ривожланиши тарихини ёритишда, Туркистанда пахтасылик соҳасида ўтказылган съездлар ҳакида маълумотлар берилген архив ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 1912 йил ноябрь ойида пахтакорлар съездиде мажлисида, Пахта қўмиталарини ташкил этиш масаласи кўрилган ва қайд этилган. Жами 180 нафар иштирокчини ўз ичига олган ушбу съездда 3-4 та маҳаллий бой ва пахтасылардан ташқари барча шахслар хукумат муассасалари ҳамда турли фирма ва компания вакилларидан иборат эди [1.3]. 1912 йил 23 ноябряда ўтказылган съезд дастурига қараганда умумий мажлисда 7 та, техника бўлимида 31 та, иқтисодий масалалар бўлимида 14 та жами 52 та маъзуза ўқилган [2.2].

Ушбу масалага оид мавжуд архив материалларини мазмунуга кўра 2 қисмга бўлиш мумкин:

1. Амалий кўлланма, тарғибот ва илмий нашрлар;
2. Тажриба далалари фаолияти ва илмий излаишларни йўлга кўйиш.

Бевосита биринчи йўналишда олиб борилган ишларга тўхталсак, бу аввало империя хукумати ва Фарғона вилояти ҳарбий губернатори бошқармаси-нинг пахтачиликка оид кўлланмаларнинг маҳаллий тилга таржима нашрларини аҳоли орасида тарқатиш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларида яққол кўзга ташланади. Бунга вилоят ҳарбий губернатори И.Н. Ивановнинг 1885 йил 27 марта 4126-ракамли хатидаги, уезд бошлиқларига пахтачилик ҳакида 10 нусха рисола юбориб, уни маҳаллий тилга таржима қилиш ва пахтакорларга тарқатиш борасидаги фармойшини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Марғилон уезди бошлиғининг Марғилон шаҳри атрофи участка приставига 1909 йил 24-февралда йўллаган 742-ракамли хатида эса ўзбек тилида нашр килинган «Туркистонда минерал ўғитларни қандай кўллаш лозим» номли рисоладан 10 нусха жўнатиб, ер эгаларига текинга тарқатилганлиги хабар қилинган эди [3.2].

Шунингдек, 1903 йилда инглиз олими Ортоннинг «Гўзанинг сўлиши касаллиги ва унга қарши кураш» номли рисоласининг инглизчадан русчага таржимаси, Санкт Петербургдаги Марказий фитопатология станцияси мудири Г.Ячевскийнинг пахта чаноқларида антракноз паразит замбуруғига (*colletotrichum Gossypii*) бағишиланган «Гўзанинг касалларлари» номли китобларини нафакат рус тилида, балки келгусида ўзбек тилига тилига таржима қилиб литографияда нашр этилиши ва маҳаллий аҳолига тарқатиш кўзда тутилган эди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида пахтачиликка оид катор китоблар ҳамда Россия ва Туркистон матбуотида, маҳсус тўпламларда туркум мақолалар чоп этилиб борилган [4.37].

Иккинчи йўналишда пахтачиликда учрайдиган касалларларга қарши кураш олиб бориш чора тадбирлари бўйича ишлар олиб борилди. Бу соҳада қилинган ишларнинг катта қисми чигиртка ва шираға қарши кураш масалаларига оид йигмажилларда ва турли масалаларга оид архив хужжатларида учрайди. Империянинг марказдаги ва ўлкадаги тегишли идоралари, пахта касалларларига қарши кураш ва уни олдини олиш ишларини ўз назоратига олган. Масалан, Зироат ва давлат мулклари вазирлигига қарашли зироат департаментининг 1902 йилнинг 8 октябрдаги Туркистон генерал губернаторига мурожаатида, Мисрда пайдо бўлган пахтанинг янги касаллиги ва унинг Туркистонда тарқалишининг олдини олиш масалалари

муҳокама килиниши каби фактлар, ўлкада пахтанинг ҳар қандай касалларини тарқалишини олдини олишга чакирган. Бу кўрсатмага асосан, барча пахтачилик вилоятларига, вилоятлардан уезд бошқармаларига тегишли чора тадбирларни ишлаб чиқариш хақида фармойиш берилган.

Умуман олганда, пахта зааркурандаларига қарши кураш борасида Туркистон ўлкаси Зироат ва давлат мулклари бошқармасида маҳсус йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, 1910 йил 12-февралдаги ўлкада чигирткага қарши кураш бўйича йўриқномага биноан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳакида Фарғона вилоятидан бошқармага ҳисоботлар юборилган. Мазкур муассасанинг Фарғона вилоятидаги бўлинмасидан 1910 йилнинг 28-апрелида жўнатилган 1932-сонли ҳамда 1910 йил 4-май куни юборилган 2030-сонли ахборотномалардаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилганда, апрель ойида Наманганд, Андижон ва Кўкон уездларида чигиртканинг йўқ қилиш бўйича олиб борилган ишлар йўриқнома талаблари асосида амалга оширилгани аникланди. Бундан ташқари, Туркистон ўлкаси Зироат ва давлат мулклари бошқармасидан, ўлка вилоятларига, шунингдек, Фарғона вилояти маҳкамасига юборилган 1912 йил 18 январдаги 1239-сонли хатда, ўз вакилларини хизмат сафарига юборишни сўраган. Унга кўра, ўлка раҳбарияти томонидан, Туркистон энтомология станциясининг ташаббуси билан, аҳолини пахта зааркурандаларига қарши кураш бўйича тажрибасини ортириш учун 1912 йил 1 июндан бошланадиган 2 ҳафталик максадли хизмат сафарлари ташкил этилган. Режага мувофиқ хизмат сафарига ҳар бир вилоятдан 5 кишидан иборат (рус ва маҳаллий аҳоли қишлоқларидан) гурух тузилиб Туркистон энтомология станцияига юборилиши ва ҳар бир вилоят учун бўладиган харажат 250 рублдан ортмаслиги белгиланган. Бунга жавобан, Фарғона вилоятидан қўйидаги вакиллар Тошкентда зааркурандаларга қарши кураш бўйича малака ошириб қайтганлар: 4-синф ўқитувчилари П.А. Наумкин (Андижон шаҳри.), Н.Карболин (Кўкон шаҳри.), ўқувчилар Н.Елкин (Янги Марғилон шаҳри.), В. Неграш (Наманганд шаҳри.) ва рус-тузем мактаби битирувчиси Азим Мухаммадризаев (Ўш шаҳри) [5.1,13].

Россия маориф вазирлигига қарашли Москва Императорлик техника билим юрти директоридан Туркистон генерал губернатори номига 1904 йил 14 декабрда келган мактубда, механика бўлимининг 4 курс талабаси Н.Я. Пашков амалиётини Туркистонда пахтачилик соҳасида ўтамоқчи бўлиб ўз хоҳиши билан ариза бергани ва унга амалий ёрдам кўрсатиш сўралган. Туркистон ўлкаси зироат ва давлат мулклари бошқармаси бошлиғига 1905 йил 28 январда

юборилган мактубда эса талабанинг Андижондаги пахтачиликка ихтисослашган тажриба участкаларида амалиёт ўташига рухсат сўралган. Ўзаро хат алмашинувларда талабанинг қандай маблағ ҳисобидан амалиёт ўташи кўрсатилмаган, унинг белгиланган амалиёти амалга ошгани ёки рад этилгани ҳақида ҳам маълумот йўқ. Бироқ, кўплаб архив ва нашрий маълумотлар Андижон тажриба даласига амалиётчилар келиши 1917 йилга қадар давом этганлигини тахмин қилиш мумкин. Масалан, 1910 йилда Андижонга 3 та талаба (Алешо, Должиков ва Гамбургер) амалиёт ўташ учун келган [6.97].

Зироат ва давлат мулклари вазирлигининг Зироат департаментидан 1911 йилнинг 4 январда Туркистон ўлкаси зироат ва давлат мулклари бошқармасига йўлланган 151-сонли мактубда Москва қишлоқ хўжалик институти бир неча битирувчилари ва талabalарининг Туркистон пахта далаларида амалиёт ўташи ҳақида сўз кетади. Ҳужжатларга кўра, уларнинг ҳар бири ойига 75-100 рубль маблағ билан таъминланган. Бу мақсадда жами 8 та талабанинг йўл ва Туркистондаги ҳаражатлари учун жами 4800 рубль пул Туркистон ўлкаси зироат ва давлат мулклари бошқармаси ихтиёрига ўтказиб берилган. Талabalар орасида А.П. Должиков ўз ихтиёрига кўра, 1911 йил апрель оидидан Андижон тажриба даласига амалиётчи килиб жўнатилган ва унга йўл учун 50 рубль, ойлик эҳтиёжлари учун 100 рубль пул ажратилган [7.1,3]. Таъкидлаш жоизки, бу вактда вилоятда янги келаётган амалиётчилардан ташкари, бошқа талаба ва ёш мутахассислар ҳам фаолият олиб бораради. Масалан, Андижон тажриба участкасидаги амалиётчи Журомская янги талаба келаётгани сабабли, муддати тугаб юртига қайтган Ермакова ўрнига Намангандаги пахта плантациясига ўтказилган.

Мавжуд ҳужжатлар пахта зааркурандалари ва касалликаларига карши кураш ишлари асосан XX аср бошидан тартибли равишда амалга оширила бошланганини кўрсатади. Жумладан, 1907 йилда минерал ўғитлашда фосфор кислота – ҳар бир десятина далага 2 пуд 2 ф, азот – 1 десятинага 1 пуд 28 ф, калий – 1 десятинага 1 пуд 27 ф, гўнг – 1 десятинага 2 пуд 30 ф, калийли фосфор кислота – 1 десятинага 2 пуд 33 ф миқдорда фойдаланилган.

Туркистонда қишлоқ хўжалик соҳасида, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга кўйиш Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, унинг натижалари бевосита хомашё манбалардан унумли фойдаланиш ва ўзлаштириш мақсадларига йўналтирилган эди. Умуман олганда, ўша даврда Туркистонда пахта навини яхшилаш ва янгиларини яратиш борасидаги илмий изланишлар анча юкори даражага кўтарилга-

нини Европа давлатлари ҳам эътироф этганини кўриш мумкин. Хусусан, Туркистон ўлкаси зироат ва давлат мулклари бошқармасининг 1907 йил 10 февралдаги 306-хатида, Франция элчиси Санкт-Петербургга келганда Жазоир губернаторига, у ердаги Ботаника станциясида синааб кўриш учун Туркистонда етиштирилган пахта навлари чигитидан 1 кг берилишини сўраган эди.

Туркистон ўлкасида йигирмага яқин қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи табиатни кузатишга мўлжалланган илмий тажриба-текширув муассасалари фаолият олиб бораради. Улар орасида Андижон қишлоқ хўжалик тажриба даласи, Фарғона селекция станцияси ва Ўш тажриба даласи Фарғона вилоятида жойлашган эди. Бундан ташкари, вилоятнинг Намангандаги уездидан Кизил Работ, Кўкон уездидан Ултарма, Андижон уездидан Ойим уругчилик плантациялари фаолияти ҳам ўлкада уругчилик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган эди [8. 263-267]. Қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан бири Ю. Агаев томонидан 1910 йилнинг 3 февралда Туркистон қишлоқ хўжалиги жамиятига юборилган пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган лойихада ҳам соҳадаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида уруглик чигит масаласи кун тартибига кўйилган эди. Ушбу лойихада хукуматнинг пахтачиликни ривожлантириш борасидаги катор ишлари, жумладан, қишлоқ хўжалик станциялари, тажриба участкалар фаолияти йўлга кўйилганига қарамай, эндиликда чигитнинг сифатини ёмонлашуви оқибатида ўлкада пахтачиликка катта ҳавф юзага келиб турган бир вактда ҳам илмий, ҳам амалий ишлар олиб бориш зарурияти туғилгани эътироф этилган. Ю. Агаевнинг кўрсатишича, Фарғона вилоятида пахта далаларини ҳажми, буғдой ва бошқа экин далаларини кисқартириш эвазига тахминан 200000 десятинага етказилган. Лекин сифатли, минтақага икlimлашган чигит ҳали ҳам камёб ва қиммат. Бунинг сабаби, пахта заводларида бир томонлама ишлов бериш вақтида уруглик чигитнинг зарарланиши ҳамда уруглик чигит сотувда иккинчи кўлга ўтиб қимматлашуви дидир. Шунинг учун ҳам аҳоли арzon чигитни экишга мажбур бўлаётир, - деб ёзди Ю. Агаев [9. 16-19].

Андижон қишлоқ хўжалик тажриба даласи ҳақиқий маънода пахтачилик соҳасида Туркистонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий маркази эди. А. Михалевскийнинг эътироф этишича, тажриба даласининг асосий мақсадларидан бири, америка пахтасининг минтақа иқлими учун моснавини яратиш бўлиб, кейинчалик ҳам пахтачилик соҳасида илмий изланишлар чукурлаштириш кўзда тутилган эди [10]. Шу сабабли у кейинроқ Туркистон ўлкаси зироат ва давлат мулклари бошқармаси таркибидаги Андижон пахтачилик тажриба даласи

номини олган. Архив материалларига қараганда, ушбу тажриба даласини ташкил килиш өюсі илк бор С.А. Мелик-Саркисян тарафидан 1898 йилда илгари сурىлған. У тажриба даланинг илк даврдаги фаолияти учун махсус дастур хам түзгән. Лекин күп ўтмай бу ишлар, Фарғона вилоят бошқармаси қошидаги қышлоқ хўжалик бўлими ҳамда Давлат мулклари идорасининг Андижон уезди бўлимiga топширилган. Шу сабабдан, С.А. Мелик-Саркисян кейинчалик тажриба даласи фаолияти билан танишиш имконига эга бўлса-да, унинг ички ишларига аралаша олмаган. Бу ҳақда С.А. Мелик-Саркисяннинг тажриба даласининг 1903-1904 йиллардаги ҳолатига бағишланган ҳисоботи ҳам мавжуд [11.48]. С.А. Мелик-Саркисяннинг тажриба далаларидан бош мақсади, ғўзанинг иқлимлаштирилган навларини тарқатиш, ўзлаштирилган кўнилмаларни дехқонлар орасида оммалаштириш ҳақидаги соҳага оид ўз мулоҳазаларини ҳам нашр килди. Тажриба даласининг 1906 йил натижалари эса тажриба даласи мудири Б.Шахназарянц томонидан Пахтачилик қўмитаси ишларида чоп этилди [12. 173-190]. Андижон қышлоқ хўжалик тажриба даласи маъмуриятининг 1909 йилги ҳисоботларига қараганда, бу пайтда тажриба даласининг йиллик сметаси 5590 рублни ташкил қилган. Бу ерда махсус кутубхона ҳам ташкил этилиб, йиллик сметадан китоблар сотиб олиш учун маблағлар ажратиб борилган [13.1,5].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мавзуга оид архив ҳужжатлари таҳлилига қараганда, пахтачиликни ривожлантириш учун кадрлар масаласи ҳамда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бо-

расидаги ишлар Туркистон ўлкаси Зироат ва давлат мулклари бошқармасининг Зироат департаменти ва мазкур идоранинг Фарғона вилоятидаги бўлими орқали амалга оширилди. Шу билан бирга, Россия империяси худудларида олийгоҳлар ва билим юртларнинг қишлоқ хўжалик йўналишлари талабаларини Фарғонага амалиётга юбориш ўйлга кўйилди, маҳаллий аҳоли тилида ўқув кўлланма ва плакатлар чоп этилди.

Адабиётлар:

1. Труды съезда хлопководов в г. Ташкент, с 25 ноября по 1-е декабря 1912 года. Том 1. Протоколы.
2. ЎзМА. И-7-фонд. 1-рўйхат. 3143-иш.
3. ЎзМА. И-508-фонд. 1- рўйхат. 125-иш.
4. ЎзМА. И-7-фонд. 1-рўйхат. 2561-иш.
5. ЎзМА. И-19-фонд. 1-рўйхат. 27621-иш.
6. Андижанское опытное поле в 1910 году. Отчет заведующего полем А.Я. Мухина / Отчеты о состоянии и деятельности опытных хлопковых учреждений в Туркестан и Закаспийской области в 1910 году. Вып.5. - СПб., 1913.
7. ЎзМА. 7-фонд. 1-рўйхат. 3127-иш.
8. ЎзМА. И-1-фонд. 6-рўйхат. 561-иш.
9. ЎзМА. И-7-фонд. 1-рўйхат. 4864-иш.
10. Михалевский А. Андижанское опытное хлопковое поле // Туркестанские ведомости. 1900. №94. 23 ноябрь.
11. ЎзМА. И-7-фонд. 1-рўйхат. 2618-иш.
12. Андижанское опытное поле в 1906 году. Отчет заведующего полем Б.Шахназарьяница // Труды Хлопкового комитета. Том 1. - СПб.: Типография В. Киршбаума, 1907.
13. ЎзМА. И-7-фонд. 1-рўйхат. 3053-иш.
14. Мирзаев А. Историография и источниковедческий анализ документов по истории хлопководства в Ферганской области. / Известия ВУЗов Кыргызстана. 2021. №. 3. С. 111-114.